

МУЛКИЙ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ.

Иноғомов Атхам Рустамхўжаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг “Ташкилий-тактик
бошқарув” мутахассислиги бўйича магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20794863>

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда республикада энг кўп содир этилаётган мулкый турдаги жиноятлар хусусан ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва фирибгарлик жиноятларини фош этишнинг бугунги ҳолати, мулкый турдаги жиноятларни фош этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳақида фикр юритилади. Мулкый турдаги жиноятларни фош этишда аҳамият бериш лозим бўлган жиҳатлар, талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва фирибгарликнинг бошқа жиноятлар билан ўзаро боғлиқлиги, ҳамда унинг фуқаролик муносабатларидан қандай жиҳатлар билан фарқланиши ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ўғрилик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик, ишончни суистеъмол қилиш, алдаш, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари мулкый турдаги жиноятларни очиш мақсадига эришиш учун ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари, тергов ва бошқа хизматлари билан биргаликда жиноят-процессуал қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари асосида жиноятчиларни аниқлаш ва фош этиш, содир этилган мулкый турдаги жиноятларнинг барча юзага келиши мумкин бўлган шарт-шароитларини аниқлаш, гувоҳларни аниқлаш ва топиш, далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш, моддий зарарни қоплаб беришни таъминлаш, шароитларни аниқлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Мулкый турдаги жиноятларни содир этилганлиги ҳақидаги хабар тезкорлик билан ташкилий таъминотни амалга оширишда ички ишлар органининг навбатчилик қисмига юклатилади, унинг раҳбарлари эса ушбу жиноятни фош этиш бўйича зарур тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг мажмуини ташкил этиш ва ўтказишга мажбурдирлар.

Профессор А.И. Гуровнинг фикрича: «Жиноятчиликка қарши курашда таҳлил ва прогнозлаш тизимини ривожлантирмасдан туриб самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин эмас». Амалиёт таҳлили шуни





кўрсатадики, мулкий жиноятлар кўп ҳолларда муайян ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлади. Жумладан, ишсизлик, аҳолининг ҳуқуқий маданияти пастлиги, ахборот технологияларининг ноқонуний мақсадларда қўлланилиши каби омиллар жиноятчилик ўсишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Қозоғистонлик олим Б.Т. Толеубекова таъкидлаганидек, «жиноятчиликка қарши курашда таҳлил ва профилактика чораларининг самарали уйғунлиги жиноятларнинг камайишига олиб келади». Шунингдек ушбу жиноятлар кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, мулкий жиноятлар кўп ҳолларда муайян ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлади.

Мулкий турдаги жиноятларни содир этилганлиги ҳақидаги ариза ёки хабар навбатчилик қисмига келиб тушганида, тезкор ходим зудликда тергов-тезкор гуруҳи таркибида ёки мустақил равишда ҳодиса содир бўлган жойга етиб боради, у ерда бўлган фуқаролар ёки ундан олдин етиб келган ИИО ходимлари, бўлиб ўтган ҳолат юзасидан нима чора кўрганлари ва қандай маълумотларга эга бўлганини аниқлайди. Тўпланган маълумотлардан келиб чиқиб тезкор ходим:

- ҳодиса содир бўлган жойнинг қўриқланишини таъминлайди ва жиноятдан жабрланган фуқароларга ёрдам кўрсатади;

- жиноятчиларни таъқиб қилиш ва қўлга олиш чораларини кўради;

- ҳодиса содир бўлган жойни текшириш (кўздан кечириш)да иштирок этади;

- мулкий турдаги жиноятларни ва уларни очиш учун аҳамиятга эга бўлган фактларни содир этиши мумкин бўлган шахслар ҳақида маълумотларни тўплаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этади ва ўтказди.

Ҳодиса содир бўлган жойнинг қўриқланишини ва жиноятдан жабрланган фуқароларга ёрдам кўрсатишни ташкил этиш учун тезкор ходим профилактика инспекторлари, жамоатчилик вакиллари ва алоҳида фуқароларнинг ёрдамидан фойдаланади.

Жиноятчиларнинг тахминий ҳаракатланиш йўналишлари ёки уларнинг жойлашган жойлари ҳақидаги маълумотлар олинганида тезкор ходим зудликда уларни таъқиб қилиш ва қўлга олиш чораларини куради. Ушбу

чора-тадбирларни амалга ошириш учун тезкор ходим профилактика

инспектори, патруль-пост хизмати ходимлари, кинолог-инспектор кидирув ити билан ва бошка ички ишлар органларининг ходимларини жалб этади.

Тезкор ходим ходиса содир булган жойни кўздан кечириш жараёнида иштирок этишда:

— мулкий турдаги жиноятларининг тавсифи ва уларнинг содир этилиш шароитини аниклаш мақсадида ходиса содир булган жойда юзага келган вазиятни ўрганади;

— терговчига жиноят излари ва бошка далилларни аниклаш ва сакланишини таъминлашда кумаклашади, уларнинг юзага келиш шароитлари ва жиноятчиларни кидиришда куллашнинг имкониятларини аниклаб олади;

— жиноятчиларнинг шахсларини ва бошка вазиятларни аниклаш мақсадида ходиса содир булган жойда булган фукаролар, шунингдек ходиса содир бўлган ҳудудда яшайдиган шахслар билан сўров ва маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши;

— жиноятчиларни излаш ишини олиб боришда иштирок этаётган ички ишлар органларининг бошка соҳавий хизматлари ходимларига топшириқлар берали;

— махфийлик асосида кумаклашувчи шахслар, жамоатчилик ва бошка фукароларни имкониятларидан фойдаланади;

— мулкий турдаги жиноятлар ҳақида қўшимча маълумотлар манбаларини аниклаш чораларини куради;

— мулкий турдаги жиноятлар содир булган туман & ки шаҳар ҳудудини урганишни ташкил этади.

Жабрланувчи билан ўтказилган сўровда қуйидагилар аниқланиши керак:

— мулкий турдаги жиноятларнинг содир этилган вақти;

— жиноятчиларнинг жиноят содир этиш усули;

— жиноятчиларнинг сони ва уларнинг ташқи кўриниш белгилари;

— қандай мулк талон-торож қилинганлиги ва унинг белгилари;

— жиноятчилар транспорт воситасидан фойдаланганлиги;

— қўлланилган зўрликнинг таърифи;

— қуролдан фойдаланилганлиги, агар фойдаланилган бўлса қандай қуролдан (масалан ошхона пичоғи, миллий пичоқ, пакки, «финка» ва бошқ.).



- хужум вақтида жинойтчилар узаро муносабатда нима дейишганлари, исми, тахаллуси, ажралиб турувчи шевада гаплашганми, уларнинг ташқи кўриниши, ёши, миллати, кийими, бўйи на бошқалар;

- уйда нақд пул на бошқа қимматбаҳо нарсалар борлиги ҳамда сақланиш жойини ким билиши мумкинлиги;

- жинойт содир этилишига қадар ушбу ҳудудда ҳаракатлари шубҳали шахслар бўлган ёки бўлмаганлиги;

- агар хонадонда домофон ва кузатув камералари (хонадон атрофидаги уйлар ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг камералари) мавжуд бўлса, улардаги маълумотларни текшириш.

жинойт кидирув булинмалари томонидан мулкӣ турдаги жинойтларни фош этишда қуйидаги тезкор-кидирув тадбирлари амалга оширилади:

-ходиса содир бўлган жойдан олиб кетилган буюмлар, уларнинг алоҳида белгилари, жинойтчиларнинг танасида, кийимида, ходиса жойида қолдирилган излар ва бошқа қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган маълумотларни топиш мақсадида тезкор-кидирув тадбирларини ўтказиш;

-жинойт тафсилотлари, яъни жинойчилар сони, уларнинг қуролланганлиги, талон-торож қилинган буюмларнинг алоҳида белгилари тўлиқ кўрсатилган электрон хабарномаларни навбатчилик қисми орқали барча шаҳар ва туман ИИБларига, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ва бўлимлари, патруль-пост, иул-патруль ва куриклаш хизматларига юборилишини таъминлаш;

- жабрланувчиларнинг яқин ва жиний алоқаларини текшириш;

- ходиса жойида аниқланган бармоқ изларини эксперт-криминалистика хизматида мавжуд автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими базасидан текширишни ташкил этиш ва олинган ҳар бир тезкор аҳамиятга эга маълумотларни тезкор йўллар билан текшириб бориш;

- мулкӣ турдаги жинойтларни содир этганлиги учун муқаддам судланган шахслар фотоальбомини жабрланувчиларга кўрсатиш, фоторобот ёки расм ёрдамида портрет тузиш;

- жинойт содир бўлган жойда ёки унга яқин бўлган ҳудудларда жинойтчилар уяли алоқа воситасидан фойдаланган бўлса, махсус тезкор техник воситалар ёрдамида алоқанинг техник канал (пеленг, биллинг, геолокация ва бошқа)ларидан ва бошқа)ларидан ахборот олиш тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш;



- ходиса содир бўлган жой ва унинг якинида жойлашган объектлардаги видеокузатув воситаларига жиноят содир этилган вақт оралигида ёзиб олинган ёзувларни текшириш;

- жиноят содир бўлган ҳудудда яшовчи сўнгги вақтларда шубҳали ҳаёт кечираётган ёки жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни жиноят содир этилган вақтда қаерда бўлганлигини аниқлаш ва ушбу жиноятга алоқадорлигини текшириш;

- бошқа вилоят ва ҳудудлардан келиб ишлаб юрган шахслар орасидан жиноят содир этишга мойил шахсларни тезкор йўллар билан текшириш;

- содир этилган жиноят натижасида олиб кетилган моддий бойликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг сақланиш ва сотилиши мумкин бўлган жойларни аниқлаш ҳамда жиноятга тааллуқли бўлган маълумотларни олиш учун тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

- жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли муассасалар ва тергов ҳибсхоналарида, ИИББ, ИИБларга қарашли вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида, шунингдек аниқ яшаш жойи ва машғулоти турига эга бўлмаганлиги сабабли реабилитация марказларида сақланаётган шахсларнинг орасида тезкор Ишловни амалга ошириш борасида ҳамкорликни ташкил қилиш;

- жиноятчиларнинг ташқи кўриниши белгилари аниқ бўлганда, уларнинг тахминий пайдо бўлиши мумкин бўлган жойлар (вокзал, автовокзал, аэропорт, кафе, бозор ва бошқа жойлар)да уларни қўлга олиш бўйича ҳудудий ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш.

Мулкий турдаги жиноятлар содир этилганда тезкор бўлинмалар томонидан дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари натижасида қўлга киритилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

— тегишли ҳисоблардан ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган бармок излари, ўқ гильзалари, жиноят содир этиш усули, аён бўлган таҳаллусларни текшириш;

— жиноятчилар томонидан талон-торож қилинган нарсаларнинг аломатлари тўғрисидаги маълумотларни қидирув «В» шаклидаги ахборот-қидирув карталарини тўлдириб, ўзига хос аломатларга эга бўлган мулк тўғрисидаги маълумотларни ТИИБ-ИИБнинг Ахборот марказларига ҳисобга қуйиш учун юбориш;



- мулкий турдаги жиноятлари учун муқаддам судланган шахсларнинг фотоальбомини жабрланувчилар ва шоҳидларга кўрсатиш, фоторобот ёки расм ёрдамида портрет тузиш. Уларни видеотекада мавжуд бўлган материаллар билан таништириш;

- ушбу жиноятни содир этиши мумкин бўлган тезкор-қидирув, профилактик ҳисобларда турган ва бундай жиноятларни содир этишга мойил шахсларни текшириш;

- жиноятчиларни қидируви ва талон-торож қилинган мулкнинг белгилари бўйича туман ИИБ, яқинда жойлашган ИИБ ёки Транспортдаги ИИБ шахсий таркибини хабардор қилиш; ва топшириқ ва ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларга қўшимча куч жамоатчилик вакиллари жалб этиб, уларга тегишли кўрсатмалар бериш.

Содир этилган мулкий турдаги жиноятларни очиш бўйича ўтказилган дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари давомида жиноят “иссиқ изи”дан очилмаса, тезкор ходим тезкор-излов йиғмажилдини юритади ва жиноятни очиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Мазкур режа ИИБ ёки ТИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари тизимида асосий ўринни, ҳодиса жойига ўз вақтида етиб келадиغان тергов-тезкор гуруҳнинг тўлақонли

ва самарали фаолияти эгалламоғи лозим. Ушбу гуруҳ билан шаҳар-туман ИИБ раҳбари доимий алоқада бўлиши ҳамда зарур ахборотни олиб туриши шарт. Ушбу ахборот асосида аниқ тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши мумкин бўлиб, бу нарса мулкий турдаги жиноятларни фош этишнинг дастлабки босқичида энг кўп ижобий натижа олишга имкон беради. Бироқ мулкий турдаги жиноятлар содир этилган жойга навбатчиларнинг эмас, балки доимий асосда фаолият кўрсатувчи махсус тергов-тезкор гуруҳнинг чиқиши энг кўп самара бериши мумкин. Бу эса қўшимча куч ва воситаларни ишдан чалгитмаслик имконини беради, айтилиши мумкин, мулкий турдаги жиноятларни тез ва тулиқ фош этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг бутун мажмуини ўтказишнинг тегишли даражаси, тўлиқлиги ва сифатини таъминлайди. Ҳодиса содир бўлган жойда бундай гуруҳнинг иши илгаридан ишлаб чиқилган, малакали, ҳам ташкилий ҳам тактик жиҳатдан саводли, энг аввало юз берган ҳодисанинг барча ҳолатларини тўлиқ ҳажмда, энг майда тафсилотларигача аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари ҳамда тергов ҳаракатларининг мажмуи бўлиши керак.





Шунингдек қизиқиш уйғотувчи маълумотларни билиши мумкин бўлган жабрланувчилар, шоҳидлар ва бошқа шахсларни аниқлаш, ўғирланган ашёнинг, айрим ҳолларда эса жиноятчиларнинг ҳам белгиларини пухта аниқлаш, далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган излар, нарсалар ва бошқа объектларни аниқлаш. Тергов-тезкор гуруҳининг ҳаракатлари ёрқин ифодаланган мақсадга қаратилган ва ҳужумкор хусусиятга эга бўлиши керак. Айни вақтда ишнинг дастлабки уч кунига алоҳида эътибор бериш лозим. Ана шу муддат давомида содир этилган мулкӣ турдаги жиноятларнинг барча ҳолатларини аниқлаш бўйича имкон қадар катта ҳажмдаги ишларни бажариш, жиноятчиларни ва ўғирланган ашёларни излашни ташкил қилиш учун дастлабки маълумотларни тўплаш, далилий аҳамиятга эга бўлган, вақт ўтиб йуқолиши мумкин бўлган барча ахборот манбаларини аниқлаш зарур.

Мулкӣ турдаги жиноятларни очишда куйидаги вазифалар бажарилиши мақсадга мувофиқдир:

1) қўшни туман-шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор ходимлари томонидан мазкур турдаги жиноятларни содир этишда гумонланиб ушланган, қамоққа олинган шахсларнинг фош этилмасдан қолаётган жиноятларга алоқадорлигини махсус усуллар орқали текшириш, натижада жиноят содир бўлган вақтда улар қаерда бўлганлиги, фош этилмасдан қолаётган мулкӣ турдаги жиноятларга дахли бор ёки йуқлигини аниқлашга имкон беради;

2) Мулкӣ турдаги жиноятларни содир этишда гумонланиб ушланган ва қамоққа олинган шахслар билан батафсил сўров тезкор-қидирув тадбири ўтказилиб, далилий ашёларни имкон қадар тўлиқ ва бутун ҳолатда топиш чораларини кўриш, жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ суриштирувчи, терговчи билан топилган ҳамкорликда ашёларни жабрланувчилар иштирокида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш лозим;

3) Мулкӣ турдаги жиноятларни содир этишда гумонланиб ушланган ва қамоққа олинган шахсларнинг жиноят содир этиш усули, куроли, вақти, шароити ўрганилиб, қўшни туман-шаҳар ҳудудларда фош этилмасдан қолаётган мулкӣ турдаги жиноятларга алоқадорлигини текшириш, яъни мазкур ҳудудлардаги тезкор-қидирув бўлинмаларга хабар бериш орқали самарали ҳамкорлик ишларини ташкил этиш;

4) бошқа ИИОлари томонидан ўғирланган нарсалар билан номи бўйича келадиган турли буюмлар ўтказилаётганида ушланган шахсларни текшириш;



5) Мулкий турдаги жиноятларни фош этиш учун тезкор-қизиқиш уйғотувчи шахсларни текшириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки мулкий турдаги жиноятларни фош этишда ҳар бир маълумот, жиноят жойида қолдирилган ҳар бир из муҳим аҳамият касб этади. Олинган маълумотлар ҳамда изларнинг бир бири билан ҳамоҳанглиги тергов тусмолларини ишлаб чиқиш ҳамда жиноятчини қидириб топиш имконини оширади.

